# “SANOAT VA XIZMAT KO'RSATISH SOHALARINING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI: TENDENSIYALAR, BOSHQARUV, STRATEGIYALAR”

**Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami**
**2022 yil 2-3 mart**



**"Digital Transformation of Industry and Services: Trends, Management, Strategies" collection of abstracts**
**March 2-3, 2022**

**«Цифровая трансформация промышленности и сферы услуг: тенденции, управление, стратегии» сборник тезисов**
**2-3 марта 2022 года.**

**BUKHARA - БУХАРА - BUXORO - 2022**

| | | |
|---|---|---|
| Nazarov N.N. | Strategic analysis and planning methodology of development of regions | 295 |
| Radjabov O.O.<br>Davronov I.O.<br>Nurov Z.S.<br>Yuldashev K.Sh. | The role of communications in improving the quality of services in the hotel industry | 298 |
| Ravshanova G.<br>Niyazova I. | Innovative ways of the management system of a family enterprise | 302 |
| Салимова С.Ф.,<br>Кадирова Ш.Х. | Важность веб-сайтов и систем онлайн бронирования в продвижении услуг средств размешений | 306 |
| Aytiyeva S.A. | Logistik tizimlarning iqtisodiyotda tutgan o’rni va samaradorligi | 311 |
| Tokhirov J.R. | Possibilities of using online learning platforms to improve the quality of educational services | 316 |
| Yuldashev K.Sh.,<br>Davronov I.O.,<br>Radjabov O.O.,<br>Nurov Z.S. | Ўзбекистон республикасида мустақил туризм инфратузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари | 320 |
| Алимжанов Н.Х. | Суғурта соҳасида олий маълумотли кадрлар тизимини тайёрлаш давр талаби | 325 |
| Шадиев А.Х. | Учебная экскурсия как инновационная форма обучения | 330 |
| Бердибекова А. | Анализ влияния политической обстановки на приток потенциальных туристов в Республику Казахстан | 334 |
| Касимова Ф.Т.<br>Ашурметова Н.У. | Тенденции цифрового маркетинга в малом бизнесе и предпринимательстве | 338 |
| Ражапов Х.Б. | Озарбайжон Республикаси балиқчилик сохасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни айрим хусусиятларини Ўзбекистонда қўллаш | 342 |
| Бойтўраев О.У. | Туризм соҳасини инновацион ривожлантиришдаги муаммолар | 348 |
| Dilmonov K.B. | The impact of self-employment in the service sector on the standard of living of the population | 352 |
| Khodjayev K. | South Korean experience in improving the public service system in Uzbekistan | 355 |
| Мадаминов С. | Тўқимачилик саноати корхоналарида ходимларни бошқариш тизимини такомиллаштириш | 359 |
| Батирова Н.Ш.<br>Амонов Ў. | Тошкент вилоятида саноати ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш | 363 |
| Облақулов Ҳ.А.<br>Рахматов Ю.Б.<br>Буранов Ё.Р. | Навоий вилоятининг демографик вазияти | 372 |
| Салихов С.А. | Мева – сабзавот махсулотлари экспортини самарали ташкил этишда хориж тажрибаси | 377 |
| Зойиров З.Х.<br>Чуллиев С.Р. | Туристический потенциал регионов республики Узбекистан и пути его эффективного использования | 382 |
| Хомидов С.О. | Фармацевтика саноатининг инновацион ривожланиш даражаси бўйича ҳудудларни оптимал таснифлаш услубиёти | 386 |
| Очилов Ш.Б.<br>Пулатова З.А. | Дифференциальный метод прогнозирования трудовых ресурсов на основе корреляционных моделей | 391 |
| Садыкова Г.Т. | Создание регионального экономического коридора Шымкент-Ташкент-Худжанд: перспективные возможности и риски | 396 |
| Жанназарова Г.К. | Инновационное развитие региона путь экономического | 400 |

and life, in which case online learning becomes a very important tool. The remote format is a very convenient tool for developing unique narrow skills, getting to know new applications and digital tools. During the pandemic, there has been a rapid development of special skills, with all sections of society eager to learn some new skill.

**REFERENCES:**

1. Boettcher, J. V., & Conrad, R.-M. The online teaching survival guide: Simple and practical pedagogical tips. John Wiley & Sons. 2010.
2. Bowen, W. G., & Ithaka, S. Interactive learning online at public universities: Evidence from randomized trials. Ithaka S+R. Retrieved from http://mitcet.mit.edu/wpcontent/uploads/2012/05/BowenReport-2012.pdf. 2012.
3. Hamari, J., Koivisto, J., Sarsa, H., & Hamari, J. Does Gamification Work. In A Literature Review of Empirical Studies on gamification. In proceedings of the 47th Hawaii International Conference on System Sciences, Hawaii, USA.2014.
4. Lack, K. A. Current status of research on online learning in postsecondary education. 2012.
5. Landers, R. N., & Callan, R. C. Casual social games as serious games: The psychology of gamification in undergraduate education and employee training. In Serious games and edutainment applications (pp. 399–423). Springer. 2011.
6. Xu, D., Huang, W. W., Wang, H., & Heales, J. Enhancing e-learning effectiveness using an intelligent agent-supported personalized virtual learning environment: An empirical investigation. Information & Management, 51(4), 430–440. 2014.

**Yuldashev Kamol Sharifovich – o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti**
**Davronov Istamxo'ja Olimovich – tayanch doktorant, Buxoro davlat universiteti**
**Radjabov Odil Olimovich – PhD tadqiqotchi, Valensiya Politexnika universiteti**
**Nurov Ziyodulla Saymurodovich- PhD, Buxoro davlat universiteti**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация**: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида мустақил туризм инфратузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, мустақил туризмни ривожланитишда хориж тажрибасидан фойдаланиш йўллари ва уни давлатимизда фойдаланиш йўллари, иқтисодиётдаги йўрни, барқарор ривожлантириш усуллари, мустақил туризмнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳақида маълумотлар ифода этилган.*

**Калит сўзлар:** *туризм турлари, мустақил туризм, барқарор туризм, мавсумий давр, саёҳат дастурлари, эркин туризм, инфратузилма.*

**Аннотация:** *в данной статье представлена информация о приоритетах совершенствования инфраструктуры самостоятельного туризма в Республике Узбекистан, путях использования зарубежного опыта развития самостоятельного туризма и его использования в нашей стране, его роли в экономике, устойчивом развитии, социальной -культурные особенности самостоятельного туризма.*

**Ключевые слова:** *виды туризма, самостоятельный туризм, устойчивый туризм, сезонный период, туристические программы, свободный туризм, инфраструктура.*

**Annotation:** *the article provides information on the priorities for improving the infrastructure of independent tourism in the Republic of Uzbekistan, ways to use foreign experience in the development of independent tourism and its use in our country, its role in the economy, sustainable development, and socio-cultural features of independent tourism.*

**Keywords:** *types of tourism, independent tourism, sustainable tourism, seasonal period, travel programs, free tourism, infrastructure.*

**Кириш қисми:** Мамлакатимизда туризм соҳаси ўз ўрнига эга бўлган тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Узоқ йиллардан бери бу соҳа барқарор ривожланиб келмоқда ва мамлакат иқтисодиёти учун сезиларли даражада ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хорижий сайёҳларнинг оқими эса йилдан-йилга сони ўсиб бормоқда. Бунга сабаб охириги йилларда туризм соҳасига берилаётган эътибор кучлилигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Биз биламизки Ўзбкистонда туризм соҳаси мавсумий даврга эга. Туристик мавсум куз ҳамда бахор пайтларига тўғри келади. Шу давр мобайнида хорижий сайёҳлардан деярли 80% Ғарбий Европа давлатларидан ташриф буюришади. Булар асосан Германия, Франция, Италия, Испания ва Англия давлатлари ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм соҳасига **"мавсумий давр"** нинг шаклланишига айнан ушбу омилни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилган давлатларнинг иқлими илиқ ва нам об-ҳавога эга. Шу сабабдан улар кўп ҳолларда куз ва баҳор пайтларида келишни ёқтиришади. Бу сайёҳлар эса мамлакатдаги маҳалаллий туристик фирмалар орқали шартнома асосида гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюришади. Бу ҳолат неча йиллардан бери бир хил ишлаб келмоқда. Бир тарафдан бундай ёндашув мавсумий даврнинг шаклланишига олиб келган. Бошқа тарафдан эса туризм соҳасидаги инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Номавсумий даврда эса туризм соҳаси хувиллаб қолмоқда. Номавсумий давр-ёз ҳамда қиш фаслларига тўғри келади. Мамлакатнинг иқлимига мос келадиган давлатларни (Осиё давлатлари мисолида) жалб этиш ва янги йўналишларни тузиб чиқиш лозим.

**Асосий қисм.** Юқорида таъкидлаб ўтилгандек хорижий сайёҳлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюришади ва кўпчилик туристик ташкилотлар айнан шу даврда яхшигина даромадга эга бўлишади ва асосий иш фаолиятларини айнан шу даврга мослаб юқори даражага олиб чиқишади. Лекин коронавирус касаллиги бутун дунёга тарқалиб кетгандан сўнг барча соҳаларда иқтисодий жиҳатдан пасайиш кузатилди. Шу жумладан туризм соҳаси ҳам бундан катта зараларни кўрди. Биринчи навбатда деярли барча давлатларда карантин эълон қилингандан сўнг чегаралар маълум бир муддатгача ёпилди ва одамлар саёҳатга чиқишдан тўхташди. Бундан кейин туризм эски ҳолатга қайтиши ва яна гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюришлари номалумлигича қолмоқда. Аммо бу туризм соҳаси тўхтаб қолгани дегани эмас. Ҳозирда кўпгина давлатларда чегаралар очилган ва саёҳатлар ҳам кам амалга оширилмоқда. Энди туризмни қайта жонлаштириш ва ҳозирги замонга мослаштириб янги туристик хизматларни жорий қилиш вақти келди. Бундан кейин одамлар гуруҳ бўлиб саёҳатга чиқишдан кўра **мустақил** равишда саёҳатга чиқишни афзал кўришади. Чунки бу биринчи навбатда хавфсизлик билан боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланади. Ҳозирда медицина талаби ҳам шундан иборат, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрмасдан, масофани сақлаган ҳолда саёҳатларни уюштири мақсадга мувофиқ деб таъкидлашган.

Демак, асосий мақсадимиз Ўзбекистонга ҳам **мустақил туризмни** янада такоммилаштириш йўлларини ишлаб чиқиш ва уни амалда тадбиқ этишдан иборатдир. Мустақил туризм нафақат сайёҳларга балким мамлакатдаги туризм соҳасида фаолият олиб бораётган барча туристик ташкилотларга **эркинликни** бағишлайди, уларни эркин ижод қилишига ундайди ва бу ташкилотлар фақатгина туристик корхоналарга боғланиб қолмаслигига олиб келади.

**Мустақил туризм** – саёҳатчи ва туристик ташкилот ўртасида тўғридан-тўғри алоқани ўрнатади ва мустақил равишда келишувга эришилади.

Биринчи навбатда биз мустақил туризм дегани нима, қандай шаклланган ва унинг афзаллик томонларини кўриб чиқишимиз лозим.

**Мустақил туризм** – туристлар томонидан туроператорлар ва турагентлар иштирокисиз мустақил равишда ташкил этиладиган саёҳатдир [ turizm qonun].

Мустақил туризм (шунингдек, ҳаваскор, мустақил, эркин, ёвойи туризм) — бу саёҳат операторлари ва саёҳат агентларининг хизматларидан тўлиқ ёки қисман воз кечиш билан

амалга оширилган саёҳат, лекин кўп ҳолларда сайёҳлик (агентлик эмас) хизматларидан фойдаланишдан бутунлай воз кечишни назарда тутмайди. Унинг ташкил этилишида саёҳатчи ўз саёҳати йўналишини мустақил равишда шакллантиради, шунингдек унинг барча таркибий қисмларини (чипталар, меҳмонхона турар жойлари, озиқ-овқат, экскурсиялар ва бошқаларни) танлайди ва унинг хизматларидан фойдаланади.

Шунга қарамай, мустақил туризм янада кенгроқ тушунчадир, чунки саёҳат муайян мақсад ва маршрутга эга бўлишни назарда тутади, мустақил туризм эса мустақил равишда ташкил этилган дам олиш масканида статик яшашни ёки, масалан, ташкилий масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш билан боғлиқ фаол туризмнинг турли шаклларини назарда тутиши мумкин. Шунинг учун, «мустақил туризм» атамаси фалсафий маʼноларга эга бўлган саёҳатдан фарқли ўлароқ, кенгроқ ва амалий аҳамиятга эга.

**Мустақил туризм** - бу шахснинг шахсий манфаатларини, шу жумладан, ички ва жаҳон маданий қадриятларини англаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва маданий фаолият тури сифатида, шахснинг маданийлашув жараёнини таъминлайди. Мустақил туризмни ижтимоий-маданий фаолиятнинг алоҳида йўналиши сифатида ривожлантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари бўш вақтларнинг шакллари ва мазмунини эркин танлаб олиш, шунингдек, унинг ўзига хос бўлмаган ва индивидуал қизиқиш ва эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлиб, мустақил саёҳатчиларнинг ўзига хос маданиятини шакллантиришга имкон беради. Мустақил туризмнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ана шундай туристларнинг мотивациясини, уларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжлари ва қизиқишларини, турмуш тарзини, ҳордиқ чиқариш тузилмасини ўрганиш зарурлигини аниқлайди. Мустақил туризмнинг социал-маданий функциялари мажмуаси сайёҳларнинг маданият қадриятлари, сайёҳлик дестинацияларининг эркин танлови, ташриф буюрадиган жойларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш даражаси ва ҳажмлари натижасида қўшимча билим олиш ва билим фаоллигини ривожлантиришда ифодаланган маданий маърифий самарадорлигининг юқори даражасига эришиш имконини беради[1].

Охирги йилларда интернет-ресурсларнинг ривожланиши туфайли мустақил туризмга бўлган талаб ўсиб бормоқда ва ушбу бозор сегменти янада ривожланмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиб бораётганлиги туфайли туризм – туристик фирмаларга қарамлиги ва уларга боғланиб қолиши камайиб бормоқда ва мустақиллашмоқда. Охирги йилларда бутун дунё рақамли иқтисодиётга ўтаётган бир вақтда туризм соҳасида ҳам турли хил бронлаш электрон платформаларининг ишлаб чиқилиши саёхатчиларга мустақил равишда ўз саёҳат дастурларини тузишга катта имкониятларини очиб берди. Булар қуйидагилар иборат: **Uber, Airbnb, Gett, Lyft, TripAdvisor, Expedia** ва **Booking.com** каби платформалар одатий туристик саёҳатни ўрнини ноодатий саёҳатга алмаштиришга эришди. Албатта, мустақил саёҳат ҳамма учун ҳам қулай эмас ва улар уюушмаси кичик кичик гуруҳлардан ташкил топиши мумкин. Аммо, бундай ёндашув туризм ҳамда меҳмондорчилик соҳасининг барқарор ривожланишига асосий калит сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга ва келажакда оммавий туризм ўрнини босиши мумкин. Бу эса баъзи бир машҳур туристик йўналишларда маълум бир вақтда оммалашиб ташриф буюрадиган саёҳатчиларни тартибга солишга олиб келади. Бунга яққол мисол қилиб Ўзбекистон мамлакатини кўрсатишимиз мумкин. Гап шундаки, ушбу мамлакатда бир пайтнинг ўзида жудда катта ҳажмда хорижий сайёҳларнинг ташриф буюриги оқибатида уларга етарли даражада инфратузилманинг ривожланмаганлиги ва керакли вақтда юқрои даражадаги хизматни кўрсата олмаслиги туфайли кўпгина ҳолларда қийналишига олиб келмоқда. Мустақил саёҳатчиларнинг кўпайиши эвазига ташриф буюрувчиларни барқарорлаштиришга ва уларни тартибга солишга эришилади. Айниқса, пандемиядан сўнг, гурух-гурух бўлиб саёҳатга чиқишлар хавфсиз бўлмаслиги мумкин ва бу туризмнинг айнан мустақил саёҳат турини ривожлантириши мумкин.

Туризм соҳаси маҳаллий аҳоли учун даромад манбаи бўлиши мумкин. Бу соҳа уларга барқарор ҳаёт кечириш, иш билан бандлиги ва қўшимча даромдларни таъминлаб

беради. Бу билан миллий иқтисодиётни юксалишига элтувчи механизм сифатида қаралмоқда.

Шунингдек, у глобаллашувни бутун дунёдаги одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ва уларнинг саёҳатга бўлган эҳтиёжларига таъсир қилувчи омил сифатида белгилайди.

**Хулоса қисми:** Ҳозирда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши асносида туризм саноатини ўрганиш усулларининг яни қирраларини очиб берди ҳамда саёҳат турини мутақил танлаш ва ташкил этиш имкони юқорилаштирди. Ҳозирги кунда туристик хизматларни амалга ошириш ҳамда сайёҳнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун янги стратегиялари пайдо бўлмоқда. Бунинг учун ҳар бир сайёҳ замонавий ахборот куммуникациялардан унумли фойдаланиши талаб этилади.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Рябова Т.В., Эртман Е.В. Самостоятельный туризм как средство инкультурации личности //Сервис plus. Т. 11. 2017. № 3. С. 31—38.
2. Olimovich, D. I. (2015). Tourism potential of Uzbekistan. *Lucrările Seminarului Geografic" Dimitrie Cantemir"*, *40*, 125-130.
3. Dushanova, Y. F., & Radjabov, O. O. (2021). Importance and development of tourist clusters in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(5), 342-347.
4. Olimovich, D. I., Bakhtiyorovich, T. M., & Salimovna, N. G. (2020). Improving of personnel training in hotel bussines. *Academy*, (2 (53)).
5. Раджабов, О. О. (2021). ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТРУМЕНТОВ PR-PUBLIC RELATION (СВЯЗЕЙ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ) В ТУРИЗМЕ. In *НАУКА, ОБЩЕСТВО, ИННОВАЦИИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ* (pp. 106-117).
6. Olimovich, D. I., Khabibovna, K. M., & Alimovich, F. E. (2020). Innovative ways of reducing tourism seasonality of tourist areas. *Достижения науки и образования*, (1 (55)).
7. Radjabov, O., & Rajabova, M. (2021). CREATION OF FREE ECONOMIC ZONES IN BUKHARA: PROBLEMS AND SOLUTIONS. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, *8*(8).
8. Olimovich, D. I., Kudratovna, F. S., & Sayfitdinovich, I. B. (2020). The importance of marketing analysis for predicting the prospects of restaurants in Bukhara hotels. *Economics*, (1 (44)).
9. Ibragimov, N. S. (2019). METHODS OF DETERMINATION OF TOURISM BRAND COMPETITIVENESS AND WAYS OF ITS SUSTAINABLE DEVELOPMENT. *Economics and Innovative Technologies*, *2019*(2),
10. Olimovich, D. I., Khabibovna, K. M., & Samadovich, R. S. (2020). Improving tourist season in Bukhara region. *Вестник науки и образования*, (1-2 (79)).
11. Davronov, I. O. (2019). Innovative ways of improving excursion service around the touristic destinations. *Мировая наука*, (4), 508-510.
12. Olimovich, D. I., Temirkulovich, U. J., & Bakhodirovna, M. M. (2020). Mechanisms of improving staff training. *Academy*, (2 (53)).
13. Kayumovich, K. O., Annamuradovna, F. S., Alimovich, F. E., Alisherovna, D. N., & Olimovich, D. I. (2020). Opportunity of digital marketing in tourism sphere. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(8).
14. Olimovich, D. I., Samatovich, R. S., Farmanovna, E. A., Khabibulayevna, K. S., & Saymurodovich, N. Z. (2020). The economic impact of innovations in tourism and hospitality. *Journal of Critical Reviews*, *7*(9), 258-262.
15. Radjabov, O., & Dushanova, Y. (2021). Efficient Ways Of Using Public Relations Tools In Tourism. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, *8*(8).

16. Navruz-Zoda, B., Ibragimov, N., & Rakhmanov, A. (2019). Perspectives on the improvement of Uzbekistan as a destination for multi-confessional self-organised pilgrims. *International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage*, *7*(4), 87-96.
17. Olimovich, D. I., & Khudoynazarovich, S. A. (2020). The cost-effectiveness of improving the quality of hotel services. *Academy*, (4 (55)).
18. Shoimardonkulovich, Y. D., & Hamidovich, R. O. (2020). Elaboration of regional strategies for the development and improvement of land and water in agriculture. *Academy*, (2 (53)).
19. Navruz-Zoda, B., Ibragimov, N., & Rakhmanov, A. (2017). The Destination Marketing Tools For "Seven Sufi Saints of Noble Bukhara" Pilgrimage Cluster.
20. Ibragimov, N. S. (2020). "DIGITAL DIVIDE" AS A FACTOR OF DESTINATION COMPETITIVENESS OF UZBEKISTAN'S TOURISM SPHERE. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, *2020*(3), 36-47.
21. Olimovich, D. I. (2020). The impact of innovative technologies for improving economy of hotels. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *9*(5), 194-201.
22. Ibragimov, N. (2021). Methods of determination of tourism brand competitiveness. *Journal of Management Value and Ethics*, *11*(1), 83-89.Olimovich, D. I. (2020). Role of investment in tourism development. *Academy*, (5 (56)).
23. Navro'z-Zoda, B. N., Ibragimov, N. S., Navro'z-Zoda, Z. B., & Navro'z-Zoda, S. B. (2017). Competitiveness of the tourist area. *Monograph. Buxoro-2017*.
24. OLIMOVICH, D. I., BAXTIYOROVICH, T. M., & CHORIEVICH, B. A. Description of Technological Processes in Restaurant Services. *JournalNX*, *6*(05), 248-252.
25. Alimovich, F. E., Habibulloevna, K. S., & Bahodirovna, D. N. (2020). Central features of halal tourism and halal food. *Academy*, (3 (54)).
26. Davronov, I. O., & Farmonov, E. A. (2019). The impact of Innovations in tourism and hospitality. *International Multilingual Journal of Science and Technology*, *4*(9), 658-660.
27. Sharifovich, Y. K. (2021). Ways to Improve Information and Consulting Services in the Field of Tourism. *International Journal of Business, Technology and Organizational Behavior (IJBTOB)*, *1*(2), 98-104.
28. Davronov, I. O. (2021). Economic Importance of Innovative Technologies for Improving Hotel Services. *International Journal of Business, Technology and Organizational Behavior (IJBTOB)*, *1*(3), 169-175.
29. Кадирова, Ш. Х., Фарманов, Э. А., & Пулатов, М. М. (2020). Важность внедрения новых транспортных маршрутов в развитии туризма. *Вопросы науки и образования*, (10 (94)).
30. Ibragimov, N., & Kurbanova, M. (2016). Destination marketing approach ofenhancing the competitiveness of Bukhara tourist destination. *Наука. Мысль: электронный периодический журнал*, (9), 105-109.
31. Davronov, I. O. (2021). THE ECONOMIC IMPACT OF INNOVATIVE SERVICES IN THE HOTEL INDUSTRY. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 26-27).
32. Юлдашев, К. Ш. (2021). СПОСОБЫ УЛУЧШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОНСАЛТИНГОВЫХ УСЛУГ В СФЕРЕ ТУРИЗМА. In *НАУКА, ОБЩЕСТВО, ИННОВАЦИИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ* (pp. 95-105).
33. Davronov, I. O. (2021). Economic Development Mechanisms of Innovative Services in Bukhara Hotels. *International Journal of Business, Technology and Organizational Behavior (IJBTOB)*, *1*(6), 500-509.
34. Navruz-Zoda, B., & Ibragimov, N. (2007). The measures for improving virtual activity of incoming urban tourism in Uzbekistan. *World Journal of Tourism Small Business Management*, *1*(3), 43-49.
35. Туризм тўғрисидаги қонун, қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 16-апрельда қабул қилинган.

**И.ф.н. Алимжанов Нодир Хамидуллаевич,**
**“UZBEKINVEST” ЭИСК АЖ Бухоро вилоят**
**филиали директори**

# СУҒУРТА СОҲАСИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТИЗИМИНИ ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

**Аннотация:** Бу мақолада суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг профессионал даражасини ошириш бўйича таълим курслари ва амалий тренинглар ташкил этиш, тор мутахассисликлари бўйича профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва мутахассислар малакасини баҳолашнинг мустақил тизимини яратишга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш илмий таҳлили ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** суғурта, суғурта алифбоси, суғута полиси, мижоз, банк хизматлари.

# ТРЕБОВАНИЯ К ПОДГОТОВКЕ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В СФЕРЕ СТРАХОВАНИЯ

**к.э.н., Алимджанов Нодир Хамидуллаевич,**
**руководитель компании «Узбекинвест ЭИДСАК»**

**Аннотация:** В статье дается научный анализ организации учебных курсов и практических занятий по подготовке, переподготовке и повышению квалификации специалистов страхового рынка, разработки профессиональных стандартов для узких специальностей и мер по привлечению независимой системы профессиональной оценки.

**Ключевые слова:** страхование, страховая азбука, страховой полис, клиент, банковские услуги.

# REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF A SYSTEM OF HIGHER EDUCATION IN THE FIELD OF INSURANCE

**Candidate of Economics, Alimjanov Nodir Khamidullaevich,**
**Head of the company "Uzbekinvest EIDIAC"**

**Annotation:** This article provides a scientific analysis of the organization of training courses and practical trainings on training, retraining and professional development of insurance market specialists, the development of professional standards for narrow specialties and measures to involve an independent system of professional evaluation.

**Keywords:** insurance, insurance alphabet, insurance policy, customer, banking services.

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Суғурта тармоғи хизматлар тури ҳисобланиб, нафақат молия сектори балки мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Суғурта бир томондан иқтисодиётни турли хил молиявий хавф-хатарлардан муҳофаза қилувчи воситалардан бири бўлса, иккинчи томондан иқтисодиётга сармоя киритувчидир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.